

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

## LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**  
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ  
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**  
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА  
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**  
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI  
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**  
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ  
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**  
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН  
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**  
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ  
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**  
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**  
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA .....562
- 75.Қурбонов Э.Э.**  
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**  
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**  
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**  
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ  
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**  
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН  
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590

<b>80.Холмўминов Ҳ.Э.</b> ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
<b>81.Худойкулов Т.Д., Халилов Ж.С.</b> ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
<b>82.Ўтанов Х.Ш.</b> XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНINГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
<b>83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б.</b> ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
<b>84.Юлдошева Б.М.</b> XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
<b>85.Ғаффоров Я.Х.</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
<b>86.Шайдуллаева Г.Ш.</b> БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
<b>87.Yakubova Sh.A.</b> O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659

---

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

---

**Хакназаров Худойберди Дилмуродович,**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти  
xudoyberdi2013@yandex.com


---

## КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР

---

*For citation: Khaknazarov Khudoyberdi Dilmurodovich. MILITARY DAILY AS A SUBJECT OF HISTORICAL RESEARCH: METHODOLOGICAL PROBLEMS. Look to the past. 2020, SI, pp.583-589*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-78>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳарбий хизматчиларнинг кундалик ҳаёти, ҳарбий маданият, ҳарбий анъана, ҳарбий этикет каби жиҳатлар ўрганилган. Шунингдек ҳарбий кундалик ҳаётнинг муҳим хусусиятлари - кун тартиби, кийиниш ва овқатланиш, тиббий ҳолати, бўш вақтдан фойдаланиш, виртуал маданият, интизом маданияти, мулоқот ва муомала, ўзаро "ишонч ва содиқлик", ўз-ўзини англаш, технологик маданият каби йўналишларининг назарий методологик жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** ҳарбий кундалик ҳаёт, ҳарбий маданият, ҳарбий анъана, ҳарбий этикет, бўш вақт, ҳарбий турмуш тарзи, ҳарбий қадрият, технологик маданият, интизом маданияти, ҳарбий газета.

---

**Хакназаров Худайберди Дилмуродович,**  
доктор философии по исторической наукам (PhD),  
Военно-технического института  
Национальной гвардии Республики Узбекистан  
(xudoyberdi2013@yandex.com)

---

## ВОЕННАЯ ПОВСЕДНЕВНОСТЬ КАК ОБЪЕКТ ИСТОРИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ: ТЕОРЕТИКО-

## МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются аспекты повседневной жизни военнослужащих, военной культуры, военной традиции, военного этикета. Теоретико-методологические аспекты таких важных компонентов повседневной военной жизни, как рутина, переодевание и прием пищи, состояние здоровья, использование досуга, виртуальная культура, культура дисциплины, диалог и общение, взаимное доверие и лояльность, самопознание, технологическая культура.

**Ключевые слова:** военная повседневность, военная культура, военная традиция, военный этикет, досуг, военный образ жизни, военная ценность, технологическая культура, культура дисциплины, военная газета.

**Khaknazarov Khudoyberdi Dilmurodovich,**

Doctor of Philosophy in Historical Sciences (PhD),

The Military Technical Institute National Guard of the Republic of Uzbekistan  
(xudoyberdi2013@yandex.com)

## MILITARY DAILY AS A SUBJECT OF HISTORICAL RESEARCH: METHODOLOGICAL PROBLEMS

### ABSTRACT

The article discusses aspects of the daily life of military personnel, military culture, military tradition, military etiquette. Theoretical and methodological aspects of such important components of everyday military life as routine, dressing up and eating, health status, leisure activities, virtual culture, discipline culture, diologist and communication, mutual trust and loyalty, self-knowledge, technological culture.

**Index Terms:** military daily life, military culture, military tradition, military etiquette, leisure, military lifestyle, military value, technological culture, discipline culture, military newspaper.

Долзарблиги. Замонавий тарихга оид тадқиқотларда жамиятнинг ҳар бир соҳасини объектив ўрганиш муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Агар тарих фанида жамиятни ўрганиш алоҳида даражаларга бўлинса, уни макро, мета ва микро даражада тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда макро даража фанга оид жамият билан боғлиқ асосий ва даврий хусусиятларни, мета ёки, мезо - ўрта даражада эса, конкрет тарихий даврга тегишли воқеа-ҳодисаларнинг жамиятга таъсири тадқиқ этилса, микро даража ҳар иккала жиҳатдан ташқари кичик хусусиятларни тадқиқ этишни тақозо этади.

Кундалик ҳаёт масаласи тарихий контекстда ўрганилаётганига унчалик кўп вақт бўлмаган бўлсада, тадқиқотларнинг муҳим объекти сифатида амалий аҳамият касб этаётганлиги учун унинг тадқиқот доираси кенгайиб бормоқда.

Гарчи у маълум бир чегараларга эга бўлмасада, кундалик ҳаёт тарихнинг "микродаража" даги тадқиқот соҳаси ҳисобланиб, ўз навбатида жамият ҳаётига дахлдорлик нуқтаи-назаридан энг юқори даражагача кўтарилиши мумкин. Чунки маълум тарихий воқеаларни алоҳида тартибда ўрганиш амалиёти мавжуд бўлса, бошқа ҳолларда эса, кундалик ҳаётда жамиятнинг барча қатламларидаги ўзига хосликларни ўрганиш, унда алоҳида соҳа вакиллари учун ўрнатилган мезонларни,

шу билан бирга ёзилмаган қоидалар, анъана ва қадриятларнинг амал қилиш хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим илмий натижалар олишга ёрдам беради.

Одатда "кундалик ҳаёт", "кундалик турмуш тарзи" иборалари синоним бўлиб, мунтазам, одатий тартибда амалга ошириладиган фаолият, инсон ҳаётининг алоҳида соҳаси эканлиги билан характерланади. Бунда истеъмол, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш, урф-одатлар, хулқ атвор ва бошқалар билан боғлиқ хусусиятларни инобатга олиш лозим. Кундалик ҳаёт бир қатор феноменлар - одатий иш фаолияти, хулқ-атвор мезонлари, касбий ва оилавий муаммоларни ҳал этиш техникаси ва бошқа бир қатор омиллардан иборат бўлишини қайд этиш лозим. А.Шюц кундалик турмуш тарзининг 6 белгисини алоҳида эътироф этиб, улар - доимий меҳнат, жамиятда ўрнатилган ижтимоий мезонлар, ҳаётга бўлган муносабат, муайян вақт тушунчаси, шахсий дунёқарашга доир муносабатлар тизимини ташкил этади [9, С. 129,137].

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси.

Ҳарбийлар кундалик ҳаётини ўрганиш тарихий тадқиқотларнинг муҳим жиҳатларидан бўлиб, бугунги кунга келиб соҳани очиқ материаллар (махфий бўлмаган) асосида тадқиқ этиш дунё амалиётида анча ривожланган. Мавзу юзасидан тарихий аспектларда Г.Кутозова, Х.Азимов, Ю.Шукуруллаев, Б.Турсунов, А.Замонов, Х.Дадабоев, фалсафа фанлари доирасида Р.Курбанов, Н.Эшнаев, Р.Самаров, Н.Колесников, К.Усмонов, тадқиқотнинг педагогик жиҳатлари А.Реджабоев, Р.Хамрокулов, У.Темирова, А.Хасанов, филологик жиҳатлари Х.Ёдгоров, юридик масалада Н.Салаев ва бошқа бир қатор олимлар томонидан ўрганилган. Тадқиқотларнинг аксариятида статистик ва социологик тадқиқот методлари устуворлик қилади.

### 3. Тадқиқот натижалари.

Тарихий тадқиқотлар мавзуси сифатида "ҳарбий кундалик ҳаёт" нима ва уни қандай ўрганиш керак? Тадқиқотнинг ушбу соҳаси кундалик ҳаётни тарихий тадқиқ қилишнинг умумий қонуниятларига бўйсунди. Шу билан бирга касбий фаолиятдан келиб чиққан ҳолда кундалик турмуш тарзини ташкил этиш, кун тартибини белгилаш ва унда амалга ошириладиган вазифаларни режалаштириш каби фаолиятни ҳам қамраб олиши керак. Ҳарбий фаолиятнинг ўзига хос хусусияти жиҳатидан кундалик ҳаёт уруш ва тинчлик даврида турлича бўлиши мумкин.

Ҳарбий хизматчилар кундалик ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, унинг идрок этиш жиҳатидан қуйидаги омилларга ажратиш мумкин:

1. Ҳар бир жангчи ва жанговар бошлиқнинг ўзига хос ҳолати ва вазифаси;
2. Хавфнинг энг оддий (типик) турлари;
3. Жисмоний ва руҳий ҳолат;
4. Душман билан алоқа қилишнинг ўзига хос хусусияти (яқин ёки узоқ);
5. Ускуналар билан ўзаро алоқа (қурол тури);
6. Ҳарбий ҳаётнинг хусусиятлари.

Юқоридаги хусусиятлар одатда уруш ҳолатидаги ҳарбийларнинг кундалик ҳаётида кузатилади.

Ҳарбийлар кундалик ҳаёти ўзига хос тартибда режалаштирилади. Бунда кун давомида амалга ошириладиган доимий ишлардан тортиб, бўш вақтдан фойдаланиш маданияти, қизиқиш даражалари ва келажак режалари, кундалик ҳарбий ҳаётга доимий ижтимоийлашувда таъсир кўрсатадаган омиллар (оила, маҳалла, меҳнат жамоаси, жамоатчилик, ОАВ ва бошқалар) ни ҳисобга олиш

мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳолатларнинг хилма-хиллиги ва таъсир даражаси қайси даврда юз берганлиги билан изоҳланади. Фикримизча ҳарбий кундалик ҳаёт "ҳарбий маданият", "ҳарбий анъана", "ҳарбий турмуш тарзи", "ҳарбий қадриятлар", "ҳарбий табиат", "ҳарбий характер"ни вужудга келтирувчи майдон ҳисобланади.

Бир қарашда тизимда кундалик ҳаёт олдиндан белгиланган режа асосида ташкил этилган бўлсада, умумий талаблардан ташқари соҳадаги ҳар бир масалага индивидуал ёндошувнинг мавжудлиги хилма-хилликни келтириб чиқаради. Мазкур контекстда кундалик ҳаётдаги "ҳарбий маданият" (этикет, кийиниш ва овқатланиш, тиббий ҳолати, бўш вақтдан фойданаланиш, виртуал маданият, интизом маданияти, мулоқот ва муомала, ўзаро "ишонч ва содиқлик", ўз-ўзини англаш, технологик ва бошқалар) вужудга келиб, тизимда фаолият олиб борадиган барча бўлинма ва қисмларнинг ҳарбийлари нафақат жараёнга бевосита ҳисса қўшадилар, балки унинг хилма-хиллигини бойитишга хизмат қиладилар.

Тарихдан маълумки, ҳарбийлар кундалик ҳаётида ҳарбий анъаналар алоҳида ўрин тутиб, ҳаттоки, ҳарбий тартибларни ишлаб чиқишда ҳам мавжуд ижтимоий вазиятдан келиб чиққан ҳолда ёндошилган. Бундан ташқари айрим ҳолларда гуманистик факторлар ҳам мавжудки, мазкур ҳолат кундалик ҳаётдаги ҳарбий фаолиятнинг жамиятдаги айни кўрсаткичлари билан белгиланади. Яъни, тинчлик ёки уруш ҳолатларига кўра кундалик ҳаёт мезонлари у ёки бу даражада ўзгариши мумкин.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, Кўқон хонлигида аскарлар хизмат жойларини руҳсатсиз тарк этишлари мумкин эмасди. Тинчлик вақтида ҳар куни аскарларнинг 1/10 қисмига оиласи ҳолидан хабар олишга руҳсат берилган [7 С.115]. Аскарлик рўйхатига кирган фуқаро ўз хоҳишига кўра бу рўйхатдан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Аскарликка сафарбар қилиш тартибларига биноан оиланинг ёлғиз боқувчиси бўлган эркаклар ва жисмоний камчиликка эга бўлган шахслар рўйхатга киритилмаганлар [5, Б.49]. Буни XIX аср ўрталарига оид архив ҳужжатларида ҳам кузатиш мумкин. Аскарларни рўйхатига олувчи саркор Эшон Али тоғага номаълум шахс Қўлдош маҳрамни ҳарбий хизматдан озод қилиш, яъни аскарлик рўйхатидан ўчириб ташланишини илтимос қилиб мурожаат этади. Сабаб сифатида эса Қўлдош маҳрам кўп фарзандли ва бир қўли иккинчисидан калта эканлиги кўрсатилган [10]. XIX асрнинг 60-йилларига оид ҳужжатлардан бирида аскарларни рўйхатга олувчи саркор Мулла Эшмуҳаммад Охундга Мулла Сайфиддин ҳожи исмли шахс укаси Мулла Қўзимуродни отлик қўшинга олинган аксарлар рўйхатидан чиқариб ташлашни илтимос қилган. Сабаб қилиб унинг хасталиги ва кўп фарзандлилиги кўрсатилган [11]. Бундан хулоса шуки, хонликда ҳарбий сафарбарликнинг ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд бўлиб улар шарқона инсонпарварлик хусусиятларини ҳам четлаб ўтмаган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳарбийлар кундалик ҳаётининг ташкил этилиши кўпчилик ҳолларда уларнинг қобилиятлари билан боғлиқ. Бундан фаолият фақат ҳарбий ишлардан иборат эмас, балки, бевосита ўзларига боғлиқ бўлган бошқа вазифаларни ҳам бажаришган деган хулоса келиб чиқади. Масалан, Бухоро амирлигида ҳарбийларининг кундалик ҳаёти ҳақида С.Айний шундай дейди: Ҳар куни эрталаб кавказ отлиқлари Регистон майдонига мусиқа садолари остида кириб келиб, бироз машқ қилишган. (Айний ушбу гуруҳни "цирк артистлари"га ўхшатади) [3, Б.238]. Улар кетидан пиёда сарбозлари кела бошлайдилар. Шанбеги сарбозларининг шаҳар ичида XIX аср охиридан бошлаб ўз казармаси бўлган. Улар хизматдан ташқари вақтда ўз ишлари билан машғул бўлишган. Сешанбеги

сарбозларининг эса махсус казармалари бўлмай, хизмат кунлари узоқдан келганлар саройдан ҳужрани ижарага олиб, турардилар ва милтиқларини ўз ҳужраларида сақлаб, унга шахсан ўзлари жавобгар эдилар. Сешанбеги сарбозлар машқдан бўшаган вақтларда кўпинча бегарлик қилишга (подшо ёки саркарда ва юзбошиларнинг усусий ишларида ҳақ олмай ишлашга) мажбур эдилар. Машқ ва бегарлардан бўшаган вақтларида ўз майишатларини таъмин қилишлари учун бирор касб билан машғул блар эдилар. Ҳунарлари бўлмаганлари эса мардикорлик ёки ҳаммолик (юк ташувчи) қилар эдилар [3, Б.239]. Кўриниб турибдики нафақат амирликда тинчлик даврида, ҳаттоки, уруш даврида ҳам умумий белгиланган ишлардан ташқари бўш вақтда индивидуал ёндошувни талаб этадиган ва ундан яхши самара чиқариш учун фойдаланиладиган вақт мавжуд бўлган.

Шу билан бирга ҳарбий тартибда амирликда ўзига хос мезонлар ҳам жорий этилиб, унга айниқса XIX асрнинг иккинчи ярмида қатъий амал қилинганлиги кузатилади. 1866 йилда амирлик кўшини рус ҳарбий низомининг айрим жиҳатларини ўзига қабул қилганлар. Рус ҳарбий зобити Г.Арендаренко Бухоро амирлигида кечган сиёсий-ҳарбий жараёнлар юзасидан катта илмий маълумотлар тўплаган. У ҳарбийларнинг саф тайёргарлиги билан боғлиқ буйруқларга батафсил тўхталиб, масалан, "Смирно" буйруғида кучли диққат эътибор қаратилиб, ҳаттоки, илон чаққанда ҳам қимир этмай туришлари талаб этилган [4, Б.362].

Ҳарбийлар кундалик ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар меҳнат фаолиятида ўз ифодасини топиб, одатда тартиблар ҳам бундай ҳолатларни четлаб ўтмаган. Шу билан бирга уларнинг тиббий маданияти билан боғлиқ жиҳатлар ҳам алоҳида эътиборга олинган. Чунончи Қўқон хонлигида аскарлар саломатлиги улар вафот этган тақдирда, дафн маросимлари учун керакли харажатларни ҳам давлат ўз зиммасига олган [8, Б.125]. Ярадорлар эса махсус жойларга даволаниш учун жўнатилганлар. Жанг пайтида ҳалок бўлган аскарлар имкон даражасида ўз юртларига олиб кетилган. Ҳалок бўлган аскарнинг оила аъзоларига дафн маросимини ўтказиш учун хон хазинасидан маълум миқдорда маблағ ажратилган. Жумладан, 1872 йилга оид архив ҳужжатида вафот этган сарбознинг дафн маросими учун унинг оиласига мато ва пул ажратиш буюрилганлиги бу ҳолатнинг яққол исботидир [13].

Ҳарбий анъаналарнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, вафот этган аскарлар ва уларнинг оила аъзолари алоҳида ҳимояга олинган бўлиб ундан бир қатор мақсадлар кўзланган. Аввало вафот этган аскар оила аъзоларини кейинчалик қўллаб қувватлаш, оиланинг бевоита аъзоси ва яқинларини ўнинг ўрнига хизматга олиш зарурати бўлса, бошқа томондан у ҳақда кўпроқ ахборот олиш ва уни сақлаш орқали келгуси авлодга ўрناк кўрсатиш, кўшимча равишда доимий равишда эътиборда бўлишини, қаҳрамон даражасига кўтаришдан иборат эди. Масалан, Қўқон хонлигида ҳалок бўлган аскарлар "хон китоби"га киритилганлар, уларнинг ўринлари фарзандлари ва яқин қариндошларига берилган [12]. Бу ҳақда "Тарихи Туркистон" асарида "... ҳамма улуғ кичикни хурсанд ва сарафроз қилиб, урушда вафот топганларни рўйхат қилиб, оларни мансабига хоҳ улуғ ва хоҳ кичик бўлсин фарзандларини тайин айлаб, дафтари подшоҳликка ёздурбдурлар" - деган сўзлар битилган [1].

Мамлакат аскарлари кундалик турмушига оид айрим манбаларда қайд этилишича, Қўқон шаҳридан бошқа ерларда аскарлар учун махсус умумий ётоқхона бўлмаган. Фақат ҳарбий қалъалар бундан мустасно эди холос. Уларда ҳам аскарлар ётоқхонаси бўлиб, бу ётоқхоналар оилали аскарлар учун мўлжалланмаган эди. Фақат баъзи қалъаларда оилали аскарлар учун махсус уй-жойлар барпо этилган.

Чегара ҳудудларига қурилган қўрғонларда аскарлар учун ажратилган кичик ер майдонларига ишлов бериш билан ҳам шуғулланганлар. Қўшин таъминоти унча яхши йўлга қўйилмагин боис, қуйи даражадаги аскарлар хизматдан бўш вақтларида майда ҳунармандчилик ва савдо билан ҳам шуғулланишган [6, Б.14].

Гувоҳи бўлганингиздек тарихнинг барча даврларида ҳарбийлар кундалик турмуш тарзи доимий эътиборда бўлиб, тегишли тартибда ташкил этилган.

Ҳарбий кундалик ҳаётида оммавий ахборот воситалари, хусусан XIX-XX асрларда газета ва журналлар, кейинчалик радионинг роли нақадар муҳим аҳамият касб этишини исботловчи бир қатор омиллар мавжуд. Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши даврида маҳаллий ва фронт газеталари ҳарбий хизматчиларнинг кундалик ҳаётдаги аҳамиятини, ҳарбийларни ҳаётга бўлган умидини уйғотишга, ғалабага ишончини янада оширишга, ватан соғинчини қондиришига хизмат қилганлиги билан белгилаш мумкин. Уруш даврида ўзбек тилида 17 номдаги газеталар чоп этилган бўлиб, улар - "Душманга қарши олға", "Ватан уруши", "Душманни тор-мор этишга", "Суворовчи", "Ватан учун", "Фронт ҳақиқати", "Ғалаба байроғи", "Қизил армия", "Қизил аскар ҳақиқати", "Ватан шарафи учун", "Суворов натиски", "Совет жангчиси", "Сталин байроғи", "Бонг", "Ғалаба учун", "Ҳарбий ўртоқ", "Ватан учун" кабилар эди [2, Б.105-109]. Аҳамиятли жиҳати шундаки, бугунги ҳарбийлар ҳаётида ҳам газета ва журналларнинг аҳамияти юқори бўлиб, буни айрим ҳолларда виртуал оламнинг хизмат юзасидан нисбатан чекланганлиги билан изоҳлаш мумкин.

#### 4. Хулосалар.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, ҳарбийлар кундалик ҳаётини ўрганиш тарихий тадқиқотларнинг муҳим жиҳати эканлигини таъкидлаш ўринли. Уларни ўрганиш орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин бўлади:

- тарихий тадқиқотларда "ҳарбий кундалик ҳаёт" нинг тегишли тармоқлари (этикет, кийиниш ва овқатланиш, тиббий ҳолат, бўш вақтдан фойдаланиш, виртуал маданият, интизом маданияти, мулоқот маданияти, ўзаро "ишонч ва содиқлик", ўз-ўзини англаш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш маданияти) га доир илмий изланишларни янада жадаллаштириш орқали ҳарбийлар кундалик ҳаётининг муҳим хусусиятларини ўрганиш мумкин;

- ҳарбий анъаналарнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, бу борада ёшлар орасида ҳарбий ўйинларнинг аҳамияти, тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар вақтидаги бўш вақт ва ундан фойдалиниш механизмларини тадқиқ этиш, шу билан бирга мавзунинг этносоциологик ва антропологик хусусиятларини ўрганиш орқали соҳага оид муҳим таклифларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир;

- кундалик ҳаётга ҳарбийларнинг ижтимоийлашуви масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда ҳарбий ҳаётга мослашув, унинг тартиб-қоидаларига кўникиш ва уларни ўзлаштириш жараёнида амал қилинадиган қонун-қоидалар тизимига алоҳида риоя этиш лозим бўлади. Шу билан бирга ҳарбий таълим ва ҳарбий меҳнат фаолияти давомида ҳам кундалик ҳаётга муносабат турлича бўлиб, бу борада меҳнат вазифаларининг ҳар хил эканлиги, ёш хусусиятлари, ҳудудий ва бошқа омиллар маълум даражада аҳамиятга эга бўлиши мумкин;

- ҳарбий кундалик ҳаётида олдиндан белгиланган режа асосида амалга ошириладиган вазифалар, умумий талаблардан ташқари соҳанинг ҳар бир масаласига индивидуал ёндошувнинг мавжудлиги асосида вужудга келадиган хатти-ҳаракатларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали муҳим натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Шундай экан, ҳарбийларнинг тинч ва уруш давридаги кундалик ҳаётини ўрганиш зарурияти мавжуд бўлиб, маълум тарихий тадқиқотларни такомиллашуви билан бирга бугунги кунда соҳа ходимлари амалга оширишлари лозим бўлган хизмат вазифаларни белгилашда ёрдам беради.

### Иқтибослар/Сноски/References

- [1] Andreev G. History of Turkestan. // Turkestan statements. 1916. No. 11. (Андреев Г. История Туркестана) // Туркестанские ведомости. 1916. № 11. (Андреев Г. Тарихи Туркистон. // Туркестанские ведомости. 1916. № 11.)
- [2]. Azimov G.I. The participation and position of the Uzbek military in World War II. (1941-1945). Abstract. Candidate of Sciences in History. Tashkent. 2004. P. 105-109. (Азимов Ҳ.И. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон ҳарбийлари иштироки ва мавқеи. (1941-1945 йиллар). Тарихфан. номз. дисс... - Т. 2004. Б. 105-109.)
- [3]. Ayniy S. Dohunda. Moskow. Goslizzdat, 1956 - P. 238-239. (Айний С. Дохунда. - Москва. Гослитиздат, 1956 - Б. 238-239.)
- [4]. Arendarenko G. Bukhara troops of 1880. Moskow. Goslizzdat. 1987 - P. 362. (Арендаренко Г. Бухарские войска 1880 г.) Москва. Гослитиздат, С. 362. (Арендаренко Г. 1880 йилда Бухоро қўшинлари. - Москва. Гослитиздат, Б. 362.)
- [5]. Zamonov A.T. Army education and military rule of the Bukhara Khanate (16th century). Abstract. Candidate of Sciences in History. -Tashkent. 2018. P.49. (Замонов А.Т. Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви (XVI аср). Тарих фан. фал. докт. дисс. -Т. 2018. Б.49.)
- [6]. Ziyayeva D.Kh. From the history of hostilities in Central Asia in the late 19th and early 20th centuries // History of Uzbekistan. - 2002. - No. 4. B. 14. (Зиёева Д.Ҳ. XIX асррохири - XX аср бошларида Ўрта Осиёда ҳарбий ишлар тарихидан // Ўзбекистон тарихи. - 2002. - № 4. Б. 14.)
- [7]. Malitsky N. Turkestan collection. Tashkent. 1915, P. 115. (Малицкий Н. // Туркестанский сборник.) - Ташкент. 1915, -С.115.
- [8]. Tursunov B.Ya. Military work and the army in the Kokand khanate: state, management, traditions. (Until the 1970s.) Abstract. Candidate of Sciences in History. - Tashkent, 2006. P. 125. (Турсунов Б.Я. Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари. (XIX асрнинг 70 йилларигача). Тарих фан. номз. дисс. -Т., 2006. -125б.)
- [9]. Schuts A. The structure of everyday thinking. // Sociology of problems. 1988. No. 2. P. 129-137. (Шюц А. Структура повседневного мышления) Москва. Социологические исследования. 1988. № 2. С. 129-137. (Шюц А. Кундалик тафаккурнинг тузилиши. Москва. Социологические исследования. 1988. № 2. Б. 129-137.)
- [10]. National Archive of the Republic of Uzbekistan. И - 1043 - collection, 1 - list, 2019 - work (ЎМА. И - 1043 - йиғмажилд, 1 - рўйхат, 2019 - иш).
- [11]. National Archive of the Republic of Uzbekistan. И - 1043 - collection, 1 - list, 2020 - work (ЎМА. И - 1043 - йиғмажилд, 1 - рўйхат, 2020 - иш).
- [12]. National Archive of the Republic of Uzbekistan. И - 1043 - collection, 1 - list, 2046 - work (ЎМА. И - 1043 - йиғмажилд, 1 - рўйхат, 2046 - иш)
- [13]. National Archive of the Republic of Uzbekistan. И - 1043 - collection, 1 - list, 2047 - work (ЎМА. И - 1043 - йиғмажилд, 1 - рўйхат, 2047 - иш)

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000